



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVIKA INSTITUT REKTORINING

BUYRUG'I

2019 yil "27" 04 350 -son

Toshkent sh.

**“ОТМнинг энг яхши педогоги”
кўрик танловини ўтказиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги “Олий таълим муассасасининг энг яхши педогоги” танлови тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 32-сон қарори ижросини талаб даражасида бажарилишини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1.Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 32-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 26 мартдаги 266-сонли буйруғи маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2.“Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисидаги Низомнинг 1-иловасига мувофиқинститутда “Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог”, “Энг яхши педагог-тадқиқотчи”, “Инновация ва ахборот технологиялари қўллайдиган энг яхши педагог” номинациялари бўйича 2019 йилнинг апрель-май ойиларида танловнинг институт босқичи, 1 июндан 10 октябрга қадар танловнинг республика босқичи ўтказилиши белгилансин.

3.Кафедралар томонидан тақдим этилган кўрик танлов иштирокчиларини ҳолисона баҳолаш учун қуйидаги таркибда ишчи гуруҳ тасдиқлансин:

Раис:

Ф.Ф.Урманова - фармакогнозия кафедраси мудири, профессор

Раис муовини:

- З.А.Юлдашев - ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор
- В.Р.Хайдаров - дори воситаларини саноат технологияси кафедраси мудири, профессор
- Ё.С.Қориева - дори турлари технологияси кафедраси мудири, профессор
- А.Абзалов - тиббий ва биологик фанлар кафедраси, профессор
- Э.С.Багдасарова - тиббий ва биологик фанлар кафедраси, профессор
- М.Н.Зияева - фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси, доцент
- Н.А.Юнусхўжаева - фармацевтик кимё кафедраси, доцент
- Н.Х.Ашурова - тиллар кафедраси, катта ўқитувчи

Котиба:

- А.Д.Тошпўлатова - фармацевтик кимё кафедраси, доцент

4.Ишчи гуруҳга:

4.1. 6 майдан 11 майгача институтда мавжуд тегишли таълим соҳалари ва номинациялар бўйича иштирокчилардан ариза ва хужжатларни қабул қилиш ташкил қилинсин.

4.2. 13 майдан 18 майгача иштирокчилар такдим этган хужжатлар тахлили ўтказилсин.

4.3. 20 майдан 25 майгача танлов иштирокчиларининг очик машғулотлари таркиби иловада келтирилган ишчи гуруҳ тамонидан ташкил этилсин ва баҳолансин.

4.4. 27 майдан 29 майгача иштирокчиларининг хужжатларининг тўплами ва ўтказилган очик машғулотлари сифатини баҳолаш натижалари умумлаштирилсин.

4.5. 30 майдан 31 майгача танловнинг номинациялари бўйича институт босқичи ғолибларини аниқлаш ва тантанали тақдирлаш тадбири ўтказилсин.

4.6. Танловнинг институтдаги босқичи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши таъминлансин.

4.7. Институт босқичи доирасида ҳар бир номинация бўйича биринчи ўринни эгаллаган ғолибларнинг тегишли хужжатларини Бош илмий-методик Марказ (Зиё кўчаси 3-уй, 214-хона)га жорий йилнинг 1 июнига қадар тақдим этилсин.

5. Ишчи гуруҳ раиси, профессор Ф.Ф.Урмановага:

5.1. Талабгорлар томонидан ўтказиладиган машғулотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги “Олий таълим муассасасининг “Энг яхши педогоги” танлови тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 32-сон қарорида белгиланган мезонлар асосида ҳолисона баҳоланиши таъминлансин.

5.2. Баҳолаш натижалари танловнинг институт босқичини ўтказиш комиссиясига белгиланган муддатларда тақдим этилсин.

6. Барча кафедра мудирларига:

6.1. 2019 йилнинг май ойларида тегишли таълим соҳалари бўйича “Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог”, “Энг яхши педагог-тадқиқотчи”, “Инновация ва ахборот технологиялари қўллайдиган энг яхши педагог” номинациялари бўйича танловнинг институт босқичида профессор-ўқитувчиларнинг фаол иштироки таъминлансин.

7. Бош бухгалтер Д.П. Ахмедовга:

7.1. Ғолиб бўлган тегишли профессор-ўқитувчиларни Низомда белгиланган миқдорда бир марталик моддий рағбатлантириш харажатларини ўрнатилган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплансин.

8. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

Ректор

И.И. Алимов

ASLIQA TO'G'RI

